

**Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан**  
**2025 йилнинг 6 оyi мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг**  
**мурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисида**

**А Х Б О Р О Т**

Мухтарам Президентимиз томонидан 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, халқ билан мулоқот ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жойларда аҳоли билан юзма-юз ва очик мулоқот ўтказиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтада вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда вилоят ҳокимлигида мунтазам шахсий қабуллар, шунингдек ёшлар ҳамда тадбиркорлар учун алоҳида қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг “Telegramm”, “Веб-сайт” ва “Facebook”даги расмий саҳифалари орқали туну-кун мурожаатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилиб, назоратга олинмоқда. Ёшларни қийнаб келаётган муаммоли масалалар ва таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлигининг “Ёшлар мурожаати” веб-сайти ва Call-center орқали мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизими жорий этилган.

**Вилоят ҳокимлигига 2025 йил 6 оyi давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами 1 763 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 1 063 та (ёки 60%) оғзаки, 373 та (ёки 21%) ёзма ва 327 та (ёки 19%) виртуал мурожаатлар келиб тушган бўлиб, 2024 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 2 589 тани ташкил этгани ҳолда 826 та (ёки 32%)га камайган.**

2025 йилнинг 6 оyi давомида **вилоят ҳокимлигида** раҳбарлар томонидан **жами 1 063 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, **2024 йилнинг худди шу даврида** бу кўрсаткич **1 602 нафарни** ташкил этган бўлиб, **қабулга келувчилар** ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **539 нафарга (ёки 34%)га камайган.**

Бундан ташқари, жорий йилнинг 6 оyi мобайнида вилоят ҳокимлигига фуқаролардан тўғридан-тўғри **жами 373 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2024 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **581тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **208 тага (ёки 56%)га камайган.**

Шунингдек, жорий йилнинг 6 оyi мобайнида вилоят ҳокимлигига Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали **жами 327 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2024 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **406 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **79 тага (ёки 24%)га** камайган.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туришини инобатга олган ҳолда мурожаатларни бевосита муаллиф иштирокида ўрганиш, кўтарилган масалани ҳал этиш ёки қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича тушунтириш бериш амалиётига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 323 та (13%), Уйчи туманида 161 та (9%), Давлатобод туманида 149 та (8%) ва Янги Наманган туманида 147 та (8%)** ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар Уй-жой ва ер майдони олиш **370 та (ёки 20%),** Моддий ёрдам ажратиш **247 та (ёки 14%),** Соғлиқни сақлаш масалалари **102 та (6%),** Дин масалалари **85 та (ёки 5%)** ва иқурилиш масалаларида **70 та (ёки 4%)**ни ташкил этади.

#### **Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича**

**2025 йил 6 оyi** давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига жисмоний ва юридик шахслардан **жами 12 993 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **5 692 та (ёки 44%) оғзаки,** **2 995 та (ёки 23%) виртуал** ва **5 692 та (ёки 43%) ёзма** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2024 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **12 989 тани** ташкил этгани ҳолда **4 та (ёки 0,03%)га** кўпайган.

**2025 йилнинг 6 оyi** давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларида раҳбарлар томонидан **5 692 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, ўтган **2024 йил январь ойида** бу кўрсаткич **4 958 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **734 тага (ёки 12%)га** кўпайган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига фуқаролардан тўғридан-тўғри **жами 2 995 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2024 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **3 143 тани** ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **148 тага (ёки 5%)га** камайган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига фуқаролардан Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали

жами **4 275** та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2024** йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич **4 888** тани ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **613** тага (**ёки 14%**)га камайган.

Энг кўп мурожаатлар **Янгиқўрғон** туманида **1 416** та (**11%**), **Мингбулок** туманида **1 369** та (**11%**), **Наманган шаҳрида** **1 336** та (**10%**), **Давлатобод** туманида **1 262** та (**10%**) ва **Поп** туманида **1 143** та (**8%**) ҳиссасига тўғри келади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар моддий ёрдам олиш масалаларида **1 205** та (**ёки 9%**), уй-жой ва ер майдонлари олиш масалаларида **1 034** та (**ёки 8%**), уй-жойларини таъмирлаш масалаларида **637** та (**ёки 5%**), соғлиқни сақлаш масалаларида **635** та (**ёки 5%**) ва қурилиш масалаларида **528** та (**ёки 4%**) ва ни ташкил этади.